



SOME SPECIFIC LEGAL BASES OF CRIMINAL LIABILITY FOR CRIMES RELATED TO THE UNLAWFUL ACQUISITION OR TRANSFER OF CURRENCY SECURITIES

Olimjon Akhmatov

Major in the current personnel reserve

Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Uzbekistan

E-mail: olim.akhmatov@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: State, administrative prejudice, currency, Republic, law, crime.

Received: 14.04.25

Accepted: 16.04.25

Published: 18.04.25

Abstract: To study certain specific legal foundations of criminal liability for offenses related to the illegal acquisition or transfer of currency valuables, identify existing problems in practice, develop proposals and recommendations for their elimination, and analyze foreign approaches to solving these issues.

ВАЛЮТА ҚИММАТЛИКЛАРИНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ОЛИШ ЁКИ ҮТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ ЎЗИГА ХОС ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Олимжон Ахматов

қадрларнинг амалдаги захирасидаги майор

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Ўзбекистон

E-mail: olim.akhmatov@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Давлат, маъмурий преюдиция, валюта, Республика, қонун, жиноят.

Аннотация: Валюта қимматликлари-преюдиция, валюта, Республика, қонун, ни қонунга хилоф равишида олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ жиноят учун жиноий жавобгарликнинг айrim ўзига хос ҳуқуқий асослари тадқик қилиш, амалиётда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда мазкур муаммоларни ҳал қилишга хорижий ёндашув.

**НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВЫХ ОСНОВ УГОЛОВНОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С НЕЗАКОННЫМ
ПРИОБРЕТЕНИЕМ ИЛИ ПЕРЕВОДОМ ВАЛЮТНЫХ ЦЕННЫХ БУМАГ**

Олимжон Ахматов

майор в активном резерве кадров

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан

Узбекистан

E-mail: olim.akhmatov@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Государство, административная преюдиция, валюта, Республика, закон, преступление.

Аннотация: Изучение отдельных специфических правовых основ уголовной ответственности за преступления, связанные с незаконным получением или переводом валютных ценностей, выявление существующих проблем в практике, разработка предложений и рекомендаций по их устранению, а также анализ зарубежных подходов к решению данных проблем.

**ВАЛЮТА ҚИММАТЛИКЛАРИНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ОЛИШ
ЁКИ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТНИ МАЛАКАЛАШ ВАҚТИДА
МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАРДАГИ НАЗАРИЙ
ЖИҲАТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ ЁНДАШУВЛАР.**

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг муҳим жиҳатларидан бири валюта бозорининг қонуний ва шаффоф фаолият юритишидир. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишида олиш ёки ўтказиш билан шахс миллий валютанинг барқарорлигига таъсир қилиб, инфляция жараёнининг кескинлашуви учун шарт-шароит яратади.

Бундан ташқари, «валюта қимматликларини қонунга хилоф равишида олиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг валюта якка ҳукмронлигига путур етказади, улар кўпинча талон-торож килиш, пораҳўрлик, божхона қонунчилигини бузиш каби жиноятлар билан боғлиқ бўлади».

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин валюта бозорини эркинлаштириш йўлида муайян ислоҳотларни амалга ошириди. Хусусан, 2017-йил 2-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сон Фармони валюта айирбошлиш тизимини эркинлаштиришда туб бурилиш ясади.

Шунга қарамай, ноқонуний валюта айирбошлиш билан боғлиқ жиноятлар ҳали ҳам долзарб бўлиб, уларнинг олдини олиш ва ҳуқукий асосларини мустаҳкамлаш зарурати мавжуд.

Давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар бевосита амалдаги қонунчиликда ўз аксини топиб бормоқда. Давлат томонидан валютани тартибга солишни либераллаштириш, хусусан, валюта қимматликлари режимини, жиноят қонуни билан тақиқланган килмишлар доирасида ҳам ўзгаришларни юзага келишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикада эркин айрибошланадиган валютада ҳисоб-китоблар ва хизматларнинг барча турларини тезкорлик билан амалга ошириб, хорижий ҳамда ватанимиздаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли валюта маблағларининг Ўзбекистон Республикасига ўз вақтида ўтказилишини таъминлаётган ваколатли банклар тармоғи вужудга келтирилган.

Шу билан бирга текширишларнинг кўрсатишича, республикада валютани тартибга солиш тўғрисида амал қилаётган қонунлар жиддий равища бузилмоқда. Шуларга мувофиқ миллий валюта - сўм Ўзбекистон Республикаси худудида бирдан-бир қонуний тўлов воситаси ҳисобланади ва хорижий валютада, шу жумладан нақд ҳолида ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш ман қилинган. Республикаизда валюта операцияларини амалга оширишнинг принципларини белгиловчи, валютани назорат қилувчи органлар ваколати ва функцияларини, юридик ва жисмоний шахсларни валюта қимматликларини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи асосий норматив хужжат бўлиб, 2019 йил 22 октябрьда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади. Шунингдек, “Марказий банк тўғрисида”ги Қонунининг 40-моддасига кўра Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилувчи давлат органидир. Кейинчалик бу қонунлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, шунингдек ваколатли органларнинг қатор норматив-ҳуқуқий хужжатлари қабул қилинган. Худди шунингдек, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, ги Қонунда қатор маҳсус тушунчалар ва терминлар тавсифлаб берилган. Буларнинг айримларини билиш юқорида айтиб ўтилган нормалар мазмунини ёритища муҳим саналади. Бу чет эл валютаси, валюта қимматликлари, резидентлар ва норезидентлар, ваколатли банклар каби тушунчалардир. Бундан ташқари Марказий банк Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиб турувчи орган ҳисобланади. Марказий банк Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар бажариши шарт бўлган меъёрий – ҳуқуқий хужжатлар чиқаради, валюта бозорида чет эл валютаси олди-сотдиси юзасидан банклараро операцияларни ўтказиш тартибини ўрнатади ва бошқа қатор вазифаларни бажаради. Марказий банк ушбу ваколатларидан буйруқ, йўриқномалар чиқариш йўли билан фойдаланади.

Республикасида валюта қимматликлари тадбиркорларнинг ҳам, оддий фуқароларнинг ҳам мулки бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида мазкур бойликка

эгалик ҳуқуки бошқа мулкларига бўлган эгалик ҳуқуки каби давлат томонидан ишончли кафолатланади. Қимматбаҳо металларга, табиий қимматбаҳо тошларга, шунингдек марваридга эгалик қилиш, уларни тасарруф этиш, шунингдек улардан фойдаланиш тартиби Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси худудида миллий валюта - сўм ягона қонуний тўлов воситаси хисобланади ва шуни назарда тутиш керакки, мазкур тартибни бузганлик учун жавобгарлик, ҳатто жиноий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нақд сўмларга нақд хорижий валютани сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини ўтказиш бўйича Бош лицензиясига эга бўлган тижорат банкларининг пул алмаштириш шохобчалари орқали амалга оширилади.

Валюта қимматликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми саккизинчи бўлимида белгиланган бўлиб, уни кенгайтирилган ҳолда талқин этиш мумкин эмас.

Мазкур норма билан билан жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 177-моддасида (*Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишида олиши ёки ўтказishi*) қайд қилинган.

Қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқаролар қонунга хилоф равишида анча миқдорда валюта қимматликларини олган ёки ўтказган пайтдан эътиборан жиноят содир этилган деб топилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, чет эл валютасининг анча, кўп ва жуда кўп миқдорда эканлигини белгилаш масаласини ҳал этиш тергов ва суд органлари ваколатига киради. Улар бу масалани битимлар амалга оширилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси сўм бирлигига нисбатан курсидан келиб чиқиб ҳал этадилар.

Мазкур моддага кўра фуқароларнинг қонунга хилоф равишида валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши шундай харакатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноят кодексидаги 177-моддасининг 1-қисми билан жавобгарлик белгиланган. Бироқ мазкур модданинг 3-қисми билан жавобгарлик **ўша харакатлар:** в) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса тўғридан-тўғри жавобгарлик келтириб чиқариши кўрсатилган.

Қонун мазмунида бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қонунга хилоф равишида валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши тўғридан тўғри жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекснинг 170-моддасида қуйидагича баён қилинган, яъни шахс анча миқдоргача бўлган валюта бойликларини қонунга хилоф равища олган ёки ўтказган вақтида унинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик юзага келади. Мазкур модда 1-кисмдан иборат бўлиб, қолган оғирлаштирувчи ҳолатлар ушбу кодекснинг 32-моддасида қайд қилинган. Унга кўра эса оғирлаштирувчи ҳолатларда бири сифатида “**4) ҳуқуқбузарликнинг бир гурух шахслар томонидан содир этилиши**” хам кўрсатилган.

Шу боис амалиётда бир гурух шахслар томонидан анча миқдоргача бўлган валюта бойликларини қонунга хилоф равища олган ёки ўтказган вақтида уларнинг жавобгарлик масалалари **жиноий ҳамда маъмурий** қонунчилик ўртасидаги қарма-қаршиликларни келтириб чиқармоқда.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равища олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳуқубузарлик сифатида бир неча хорижий давлатларда баҳоланади. Жумладан;

-Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасида ноқонуний валюта олиш ёки ўтказиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжуд.

-Германия Федератив Республикаси, Француз Республикаси ва Япония каби давлатларда эса ноқонуний валюта олиш ёки ўтказиш учун фақат маъмурий жавобгарлик мавжуд.

-Эрон Ислом Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси (Шимолий Корея) эса ноқонуний валюта олиш ёки ўтказиш учун фақат жиноий жавобгарлик мавжуд.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Валюта қимматликларини қонунга хилоф равища олиш ва ўтказиш жинояти глобал иқтисодий хавфсизликка таҳдид соловчи омиллардан бири бўлиб, унинг олдини олиш ва тергов қилиш давлат органлари олдидағи долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ушбу жиноятларнинг содир этилиши мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб, молиявий барқарорликка путур етказиши мумкин. Шу сабабли, бундай ҳуқуқбузарликларни аниqlаш, тергов қилиш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий механизmlарни такомиллаштириш талаб этилади. Бироқ, тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай тергов ҳаракатлари қонунийлик, адолат ва шаффофлик тамойилларига асосланган бўлиши зарур. Айланувчининг ҳуқуқлари, хусусан, айбиззлик презумпсияси, ҳимоя ҳуқуки ва адолатли суд жараёни кафолатлари қатъий таъминланиши лозим. Акс ҳолда, ноқонуний усувлар билан олинган далиллар адолатли суд қарорининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, бу эса ҳуқуқий тизимга бўлган ишончни пасайтириши мумкин. Шундай қилиб, валюта қимматликларига оид жиноятларни тергов қилишда нафақат иқтисодий манфаатлар, балки

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили ҳам эътиборга олиниши керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қонун устуворлиги асосида фаолият юритиб, иқтисодий жиноятларга қарши самарали курашиш билан бирга, фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шу йўсинда, ҳуқукий давлат тамойилларига риоя қилинган ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш ва адолатли тергов тизимини шакллантириш имконияти ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги 22.10.2019 й. 573-сонли ЎРҚ
2. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси 21.12.1995 й. 154-І-сонли Қонуни билан тасдиқланган //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 12-сон, 247- модда; 1998 й. 9-сон, 181- модда, 1999 й. 5-сон, 124-модда, 2001 й. 1-2-сон, 23- модда, 2003 й. 1-сон, 8-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 24.10.1996 йилдаги ПФ-1601-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 30.01.2013 йилдаги ПҚ-1914-сон
5. Карпушин М.П. О некоторых вопросах квалификации валютных преступлений // Уголовное право. -№6 (24). 1993. – С. 43
6. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарх. https://drive.google.com/file/d/1ctKcLoMP8UaC5BgGscM_S-AI0i8fjYlh/view
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли қарорига аосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 2-жилд. — 21-б
8. Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан операциялар бажарувчи корхона, муассаса, ташкилотларни, жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 22 майда 144-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 22 майда 58-сон билан тасдиқланган).
9. Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорига 2-илова